N129-274 VII-XII

2012 йил 2 июль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 129 (12.190)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Мамлакатимизда ички истеъмол бозорини сифатли товарлар билан тўлдириш, аҳолининг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кафолатли таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***



(ЎзА) олган сурат

## ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

Пойтахтимиз аҳолисига турли хилдаги нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришда «Тошкент-нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси муҳим ўрин тутади. Уюшма тизимидаги 47 нон ишлаб чиқариш корхонасида янги қувватларни ишга тушириш, техник қайта жиҳозлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар маҳсулот тури ва сифатини ошириш имконини бераётир. Ҳозир замонавий технологиялар билан жиҳозланган цехларда 40 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу технологиялар тежамкорлиги боис маҳсулотларнинг арзон бўлиши таъминланмоқда, нонниng сифати ва тури ошмоқда. Бунинг самарасида «Шодлик», «Баҳор», «Шарқ», «Пахтаой», «Лочира», «Тошкент патири» каби нонларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Нон маҳсулотларини ҳавоси сўриб олинган пакетларда қадоқлаш йўлга қўйилгач, уларнинг санитария-гигиена талабларига мослиги ва яроқлилик даражаси янада ошди. Бу эса аҳолига ҳам манзур бўлмоқда.

– Корхоналаримиз автоматик бошқариладиган, замонавий технологиялар билан жиҳозлангани боис маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ортмоқда, – дейди «Тошкент-нон» нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси раиси Мақсуд Қосимов. – Ҳозир ҳар куни ўртача 400 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, «Боғистон-нон», «Саховат-нон», «Тутзор», «Тарахум», «Олтин нон», «Сумбула-нон», «Нон азиз» каби корхоналарнинг ҳар бири кунига 15 тоннадан зиёд турли хилдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бераётир.

Ҳар куни истеъмол қиладиганимиз – нон ва нон маҳсулотларини темир моддаси, фойдали витаминлар билан бойитиш аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, бўқоқ касаллигининг олдини олиш мақсадида дўконларга йодли батонлар етказиб берилмоқда. Қанд хасталигига чалинган ёки ошқозон-ичак йўлларида муаммоси бўлганлар учун майдаланган буғдой ва кепак аралашмаларидан қотирилган нон ишлаб чиқарилаётир. Буйрак, юрак-қон томир касаллигига чалинганларга тузсиз маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Йодланган батон, «Баҳор», «Пахтаой», «Иштаҳа», «Дармон» каби қолипли нон, патир ва турли булочкалар чиройли кўриниши, мазаси ва сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

– Бир вақтлар нон дўконлари саноқли бўлар, уларда соатлаб навбатда турардик, – дейди ЎзА мухбирига мирободлик Ҳадича ая Собирова. – Ҳозир кечасими, кундузими, қайси вақтда нонга зарурат бўлса, дўконда иссиққина, турли хилдаги мазали нон маҳсулотлари муҳайё. Айниқса, бойитилган ундан тайёрланган, парҳезли, биз, қариялар учун фойдали «Шодлик» нонининг таъми жуда ёқади. Мана шу тўкинлик, фаровонлик ҳам истиқлолимиз шарофатидир.

**Сайёра ШОЕВА**

## ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига йигирма йил тўлди.***

Гербимиз марказида бахт ва олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб, парвозга шайланиб турибди. Бу халқимизга хос эзгу орзу-умидлар ифодасидир. Зеро, элимиз Ҳумони азал-азалдан бахт қуши сифатида тасаввур этиб келган.

Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами – Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллиги тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, халқимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани ҳам мустақиллик туфайлидир.

Истиқлолга эришгач, мамлакатимизнинг давлат рамзларига эга бўлдик. Бугун жаҳонда тенг ҳуқуқли давлат бўлган мустақил Ўзбекистон ўз байроғи, герби, мадҳияси ва валютасига эга. Зеро, эл-юртимизнинг ғурури, ифтихори бўлган бу рамзларда тарихимиз, бой маънавий-маданий меросимиз, миллий урф-одат ҳамда анъаналаримиз, буюк мақсад, эзгу орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги тарихий Қонун қабул қилинди.

Герб қадим-қадимдан муайян мамлакат ёхуд ҳудудда яшайдиган турли миллат ва элатларнинг ўтмиши, орзу-интилишлари, тафаккур тарзи, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда амал қилиб яшайдиган ғоялари, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятларини ифода этиб келган. Давлат ишларини юритиш ҳамда халқаро муносабатларни амалга оширишда қўлланиладиган муҳрларга, пулларга герб тасвири туширилган.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топган. Унда тасвирланган гуллаган водий узра нур сочаётган офтоб серқуёш юртимизга, ундаги обод манзилларга ишора. Баланд тоғлар оралаб оқаётган дарёлар – ҳаёт боқийлиги тимсоли бўлса, гербнинг сўл томонидаги буғдой бошоқлари халқимизнинг ризқ-рўзи бутунлигидан, ўнг томонидаги қийғос очилган ғўза ифодаланган чамбар халқимизнинг оппоқ орзулари, эзгу ниятларидан далолатдир. Гербнинг юқори қисмида элу юртимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган.

(Давоми 2-бетда)

## ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

***Миллий матбуот марказида Президентимиз Ислом Каримов томонидан фуқаролик жамиятини шакллантириш, жумладан, ҳаётимизда маҳалланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини кенгайтиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташкил этди.***

Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси А.Аҳмедов давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнида маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим миллий институти сифатида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бугун халқимиз учун анъанавий ўзини ўзи бошқариш органи бўлган ушбу институт жамиятимиз ҳаётида алоҳида ўринга эга. Фуқаролар йиғинлари давлат ижтимоий-иқтисодий дастурларини бажариш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний, демократик қадриятлар руҳида тарбиялаш, жамиятимизда фуқаролар тотувлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида тараққиётимиз янги босқичининг муҳим устувор йўналишлари қаторида маҳаллани муҳим фуқаролик институтларидан бири сифатида мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Маҳалла «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга оширишда ҳам алоҳида роль ўйнамоқда. Бу борада эҳтиёжманд оилалар аниқ манзилли равишда қўллаб-қувватланмоқда, ёш оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, жамиятимизнинг муҳим бўғини бўлган мустаҳкам, соғлом оилани шакллантириш билан боғлиқ бошқа фаолият йўналишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Учрашувда бу борада тўпланган бой ижобий тажрибани кенг оммалаштириш лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, жойлардаги мавжуд муаммоларнинг ҳал этилиши кенг жамоатчиликнинг уларни муҳокама этишдаги иштирокига, фуқаролик институтлари, ҳокимият ва бошқарув органлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришга боғлиқдир.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригида халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини шакллантиришда, одамларимизнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартиришда, уларни мустақил фикрлаш, онгли яшаш руҳида тарбиялашда, бир сўз билан айтганда, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшаш, бугунги ва эртанги кун талаблари билан ҳамқадам бориш, ўз она юртига бўлган меҳри ва садоқатини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг улкан хизмати борлигини қайд этди.

Учрашувда сўзга чиққанлар оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган мақсад ҳамда вазифаларнинг муштараклигига эътибор қаратди. Журналистларнинг мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотларни жадаллаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда мавжуд воқеликни, муваффақиятларимиз ва ҳал этилмаган муаммоларни рўйирост ва холис ёритиш, уларга жамоатчилик эътиборини қаратиш орқали фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

Учрашувда бир гуруҳ журналистларга Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**(ЎзА)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида «Дебют – 2012» ёш режиссёрларнинг IV республика кўрик-фестивали доирасида режиссура санъатининг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

✓ **«СОҒЛОМ** авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Чилонзор туман таянч бўлими томонидан 291-мактабгача таълим муассасасида «Соғлом полвонжон» мавзусида тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Олмазор тумани Кенгаши ташаббуси билан туманда жойлашган 278-сонли умумтаълим мактаби қошидаги «Баркамол авлод» ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Бахтли болалик» мавзусида кўчма спорт ўйинлари ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими ҳамда «Турон» маҳалла гузарида «Ақидапарастлик ва диний экстремизм кўринишларининг олдини олишда аёлларнинг ўрни» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Чустда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида «Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила» номли дўстлик фестивали ўтказилди. Унда вилоятда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар ҳамда ҳудудда истиқомат қилаётган юздан зиёд миллат ва элат вакиллари иштирок этди.**

● **Амударё туманида тадбиркор Жалғас Боймуродов томонидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Манғит Инвест плюс» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. 20 минг АҚШ долларилик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 14 нафар йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлди.**

● **Қарши шаҳридаги «UzGersov» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида импорт ўрнини босувчи косметик совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхонага «Қишлоқ қурилиш банк» кредити ҳисобига умумий қиймати 3 миллиард 315 миллион сўмлик технологик линия ўрнатилди. Айни чоғда бу ерда беш турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.**

● **Қашқадарё вилояти адлия бошқармасида «Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Гулистон Давлат университетида касб-ҳунар коллежларининг тадбиркор бўлишни истаган битирувчиларига тижорат банкларининг имтиёзли кредитини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

● **Исландияда бўлиб ўтган Президент сайловларида амалдаги давлат раҳбари О.Гримссон бешинчи муддатга қайта сайланди.**

● **Япониялик олимлар овқат тайёрлай оладиган робот яратдилар, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу янги қурилмадан турли мураккаб ишларда ҳам фойдаланиш мумкин. Хабарларга қараганда, роботга ўрнатилган қўллар ҳар қандай мураккаб ҳаракатни бажариш хусусиятига эга. Уларнинг узунлиги қарийб бир метрга тенг. Робот оғирлиги ўн килограммгача бўлган юкларни кўтара олади.**

● **Кенияда амалга оширилган террорчилик ҳаракати қурбонлари сони 15 кишига етди. 40 нафар одам эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган.**

● **Франциянинг «Де Дион, Бутон ва Трепарду» компанияси томонидан 1884 йилда ишлаб чиқарилган «Де Дион» автомобили халқаро кимошди савдосига қўйилди. Орадан кўп вақт ўтган бўлсада, яхши ҳолатда сақланган ушбу автомобилнинг бошланғич нархи икки миллион АҚШ доллари этиб белгиланди. Маълумотларга қараганда, мазкур ноёб тарихий автомобиль 1887 йилда биринчи жаҳон автопойгасининг ғолиби бўлган. Унинг ўртача тезлиги соатига 42 километрни ташкил қилади.**

● **Канадада юк машинаси ва йўловчи автобуси ҳайдовчиларининг автомобилни бошқараётган вақтда мобиль телефон орқали смс-хат юбориши ва уни ўқишини тақиқлаш тўғрисида қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга риоя қилмаган шахсга нисбатан катта миқдорда жарима солинади. Йўл патруль хизмати ходимларининг сўзларига кўра, бундай чора жамоат транспорти йўловчиларининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.**

# ДАВЛАТИМИЗНИНГ МУҚАДДАС РАМЗИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Гербимиздаги ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўкинлик, фаровонлик каби орзу-умидларини ўзида намоён этади. Гербнинг пастки қисмидаги Давлатимиз байроғини ифодаловчи чамбар бандига зарҳал ҳарфлар билан «Ўзбекистон» сўзи битилган.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари бинолари, чет эллардаги мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг пештоқида ўрнатилган. Республикамиз давлат чегараларида барпо этилган улкан дарвозалардаги Давлат герби барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Ватан остонасидаги давлатимиз рамзини кўриб, беихтиёр қалбимиз энтикади, муқаддас заминимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ошади.

Давлат герби тасвири ҳар биримизнинг мана шу саховатли замин фарзанди, ушбу озод юрт фуқароси эканимизни тасдиқловчи фуқаролик паспортларида ҳам акс эттирилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган.

Давлат рамзлари муқаддасдир. 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги»ги қонунга мувофиқ, давлатимиз рамзларидан фойдаланиш қоидалари янада такомиллаштирилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, мустақил Ватанимизнинг Давлат герби улкан ғоявий-тарбиявий аҳамиятга молик тимсол сифатида барчамиз учун қадрли ва муқаддасдир. Уни ҳар сафар кўрганимизда шундай бетакрор, ҳеч кимдан кам бўлмаган қудратли мамлакатда яшаётганимиздан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этамиз.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари М.Орифжонов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Х.Зикриллаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оиланинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, жамиятнинг мазкур муҳим бўғинини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури оилаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишни янада кучайтириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, болалар, ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, навқирон авлод онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга бегона бўлган зарарли ғоялар, нохолис ахборотлардан ҳимоялашга қаратилган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Дастур доирасида барча олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида маърифий-тарбиявий ишларни давр талабига мос тарзда йўлга қўйиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мунтазам равишда ёшларни ота-она, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг жамият, Ватан олдидаги масъулиятини оширишга доир давра суҳбатлари, семинарлар, он-лайн тартибидаги мулоқотлар ташкил этилмоқда. Ўқувчи ва талабалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, билим масканларидаги тиббиёт хоналари зарур дори воситалари, ускуна ва жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган битирувчиларнинг 497 минг 300 нафардан ортиғини амалиёт ўтаган корхоналарга ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномалар тузилди. Жойлардаги ҳокимликлар, тижорат банклари, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даврида 414 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, уларда 16 минг нафарга яқин ёшлар ишга йўлланма олди. Ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган 8860 нафар битирувчиларнинг рўйхати тузилиб, ҳозиргача уларнинг 1184 нафарига имтиёзли кредитлар берилди.

Таълим даргоҳларида фаолият кўрсатаётган «Ораста қизлар» тўгараклари фаолияти ҳам янада такомиллаштирилмоқда. «Соғлом турмуш тарзи асослари», «Оила психологияси» каби дарслар, «Ёш оила қурувчилар мактаби» машғулотлари йигит-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, қизлар саломатлигига эътиборни кучайтириш, ёшларнинг билим олишга бўлган интилишини рағбатлантириш, билим масканларида ўқиш давоматини яхшилаш мақсадида маҳаллалар, ота-оналар ҳамда таълим даргоҳлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Ота-оналар университетлари» ишини самарали тарзда йўлга қўйишга янада жиддий ёндашилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, иқтидорли йигит-қизлар учун мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этиш ҳам яхши анъанага айланган. «Фарзандларнинг ота-оналар олдидаги бурчи» мавзуидаги кўчма театрлар, «Ягона ва аҳил оилада» мавзуидаги фотосуратлар ва тасвирий асарлар кўргазмаси ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Коллеж ва лицейларда компьютер саводхонлиги, спорт-соғломлаштириш, фан, бадиий ижодиёт йўналишларидаги тўгаракларнинг ташкил этилгани ўқувчиларнинг бўш вақтини сермазмун ва фойдали ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**

**Анжуманлар**

# МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

***Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларнинг турли жабҳаларида самарали ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этиб келинаётир. Барчамизга маълумки, ушбу ислоҳотлар замирида инсоннинг қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби инсоний туйғулар алоҳида аҳамиятга эга.***

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ҳам мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини ҳаётга татбиқ этиш, айниқса, ёш авлод вакиллари ва болажонларни мустақил фикрлайдиган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаган ҳолда вояга етказиш, уларни ҳар томонлама салбий оқибатлардан муҳофаза қилиш йўлида қатор самарали ишларни ҳаётга татбиқ этаётир.

Жумладан, ана шу эзгу мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, мутасадди идора ва ташкилот ходимлари ҳамкорлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида пойтахтимизда жойлашган «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази»да «Болалар ҳуқуқларини таъминлаш» мавзуида анжуман ўтказилди.

Анжуманда «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази», Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ЁИҲ, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ ва техника инспекцияси вакиллари ҳамда «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази» мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, болалар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан 13 та халқаро меҳнат ташкилотлари ратификация қилинган. Жумладан, «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги Конвенциялар шулар жумласидандир.

Анжуман давомида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан ҳамда бюджет муассасаларида ўтказилган текширишлар натижасида вояга етмаган ёшлар бўйича аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари, мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий чоралар, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши лозим бўлган ёзма кўрсатмалар берилганлиги ва уларнинг ўз вақтидаги ижроси бўйича қатнашчиларни таништириб ўтди.

Семинар сўнгида «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази»нинг иш фаолияти тадбир иштирокчиларига яқиндан таништирилди ҳамда қатнашчилар соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги масалалар билан ўзаро савол-жавоблар ўтказиб, тегишли маълумотларга эга бўлдилар.

**Комила НАБИЕВА,**
**Давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори**

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

# СОҒЛОМ БОЛА ҲАФТАЛИГИ

***Мамлакатимизда олти ойликдан беш ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш, микронутриент етишмовчилиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш мақсадида «Соғлом бола ҳафталиги» ўтказилди.***

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир доирасида икки миллион олти юз минг нафардан зиёд болаларга А витамини берилди. Ҳафталик доирасида вилоятларда мамлакатимиз етакчи тиббий-илмий марказлари ва клиникалари олим ва мутахассислари иштирокида туғруқ ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бола организмида қуртлар мавжуд бўлса, улар овқатнинг тўла ўзлаштирилиши ва вужуднинг тўкис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу касалликнинг олдини олишда профилактика муҳим ўрин тутади. «Соғлом бола ҳафталиги» доирасида Қорақалпоғистон Республикасида бир юз эллик минг нафардан кўпроқ болаларга А витамини билан бирга қуртларга қарши махсус препаратлар ҳам берилди.

А витамини саплементацияси тадбири мамлакатимизда тўққиз йилдан буён амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида болаларда учрайдиган туғма нуқсонлар, микронутриент танқислиги туфайли келиб чиқадиган касалликлар, болалар ўлими кўрсаткичи кескин камайди. Бу галги акцияни юқори савияда ташкил этиш учун жойларда барча шароит яратилди.

Пойтахтимизда ҳам икки юз минг нафардан кўпроқ болага А витамини капсуласи бепул тарқатилди. Шифокорлар учун махсус ўқув-услубий семинарлар ташкил этилгани, маҳаллаларда, хонадонларда амалга оширилган тушунтириш ишлари ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш имкониятини яратди.

– Мамлакатимизда кейинги йилларда болалар ўртасида шамоллаш, ичак касалликлари, вазн камлиги, ўсиш, ривожланишдан ортда қолиш ҳолатлари кескин камаймоқда, – дейди ЎзА мухбирига Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника бош шифокори Кимё Шокирова. – Болаларимиз соғлом ва бақувват бўлиб камолга етаётгани, ёшларимизнинг таълим, спорт соҳасида эришаётган катта ютуқлари ана шундай тадбирларнинг муҳим натижасидир. Ҳафталик тадбирларга ҳудудимиздаги олти ярим минг нафарга яқин бола қамраб олинди. Болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга А витамини капсуласи ичирилди.

Мазкур тадбирларни ташкил этиш учун барча тиббиёт масканларида, оилавий поликлиникаларда зарур шароитлар яратилган. Бирламчи тиббий-профилактика муассасаларидаги «Соғлом бола» хонаси чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш ва болаларнинг ривожланиш босқичларини доимий кузатиш учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Она-бола тиббий кўригини, лаборатория таҳлилларини ўтказишда замонавий тиббий усуллардан самарали фойдаланилмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган «Соғлом бола ҳафталиги» мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин тасдиғидир.

**Б.ХИДИРОВА**

# ХИЗМАТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

***Тошкентда мамлакатимиз ҳудудида «Ucell» савдо белгиси остида мобиль алоқа хизматларини кўрсатаётган «Coscom» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Компаниянинг Ўзбекистондаги фаолиятини таҳлил этиш, у кўрсатаётган хизматларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга бағишланган ушбу тадбирда етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мобиль алоқа Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан буён ривожланиб келмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган самарали қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база унинг жадал ривожланишини таъминламоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги қонунига мувофиқ республикамизнинг барча шаҳарлари, вилоят ва туман марказларига оптик толали ва радиорелели линиялар асосида юқори тезлик билан ишлайдиган рақамли алоқа каналлари ўтказилди, эски автоматлаштирилган телефон станциялари рақамли АТСлар билан алмаштирилди.

«Ucell» савдо белгиси остида мобиль алоқа хизматларини кўрсатаётган «Coscom» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси Ўзбекистон мобиль алоқа бозоридаги йирик иштирокчилардан биридир. Айни пайтда унинг дилерлик тармоғи 2200 дан ортиқ фаол пунктлардан иборат. 2007 йилда компания Скандинавия ва Болтиқбўйи давлатларида, Испанияда ва Евроосиёнинг ривожланиб бораётган бозорларида телекоммуникация хизматларини тақдим этаётган «TeliaSonera» Швеция-Финляндия компаниясининг бир қисмига айланди.

«Coscom» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси бош директори Огуз Мемигювеннинг айтишича, компания фаолияти унинг Ўзбекистондаги ўз олдига қўйган мақсадлари асосли ва истиқболли эканини тасдиқлайди. Ўтган тўрт йил мобайнида «Ucell» тармоғини ривожлантиришга сарфланган инвестиция ҳажми 600 миллион доллардан ошди.

Матбуот анжуманида компаниянинг 2012 йил биринчи чорагидаги тушуми 2011 йилнинг шу даври билан таққосланганда 20 фоизга ошгани қайд этилди. Шу вақт ичида мобиль интернет хизматлари кўрсатишдан тушган маблағ икки баробар кўпайди, ушбу хизматдан фойдаланувчилар сони 30 фоизга ошди.

Таъкидлаш лозимки, «Ucell» инновацион, техник жиҳатдан ривожланиб бораётган компания бўлиб, у ўз тармоқ ва тизимини мунтазам модернизация қилиб бормоқда, маълумотлар узатиш бўйича мобиль қурилмаларни сотишда етакчилар сирасига киради. Шунинг учун бу йил компания Ўзбекистонда 3G тармоғининг қамров доирасини икки баробар кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Тадбир сўнгида пойтахтимизда компанияга қарашли «Ucell Cafe»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда вақтни фойдали ўтказиш, янги планшетларни амалда қўллаш, тезкор интернет сифатини баҳолаш ва компаниянинг бошқа кўплаб хизматларидан баҳраманд бўлиш мумкин.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**



***Обод шаҳрим — озода шаҳрим***

***Автотранспорт соҳасида сунъий йўлдош орқали навигация тизимини жорий этиш жараёнлари бошланди. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси мутахассислари қайд этишича, бу тизим мосламаларини жорий қилиш йўловчилар хавфсизлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш имконини беради.***

**Транспорт**

# СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ОРҚАЛИ БОШҚАРИЛАДИ

Сунъий йўлдош орқали навигация тизими ёрдамида муайян вақт тартибида автотранспорт воситаси қаерда жойлашганлиги, унинг соз ёки носозлигини аниқлаш бўйича ҳаракатланаётганлиги, автобуснинг кейинги бекатгача боришига қанча вақт кетишини билиш мумкин.

Йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган тақдирда ҳайдовчилар қутқарув ёки тез ёрдам хизматини махсус функция ёрдамида чақириш имконига эга. Бу борада тизимга киритилиши мумкин бўлган яна кўплаб қўшимча функциялар ҳам мавжуд. Республикамиз бўйича шаҳарлараро йўналишларда қатнаётган 70 га яқин автобусга тизим мосламаси ўрнатилди. Жорий йил охиригача шаҳарлараро йўналишларда ҳаракатланадиган барча автобусларга шундай мосламаларни ўрнатиш кўзда тутилган.

**Аҳмад АББОСОВ**

***Бугунги кунда соғлом оилани шакллантириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш энг устувор йўналишлардан бирига айланган.***

**Қарор ва ижро**

# СОҒЛОМ ОИЛА — ФАРОВОНЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Мамлакатимиз Президентининг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори тиббиёт муассасалари фаолияти кўламини янада кенгайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ёшларни оилага тайёрлаш, ирсий касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ кенг кўламли ишларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирда ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан мутасадди идоралар томонидан бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш ва соғлом оилани шакллантиришга жиддий эътибор қаратилган.

Айниқса, ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида оилавий ҳаёт остонасида турган ёшлар ўртасида «Ёш оила мактаби» ўқув-машғулотларини олиб бориш, машғулотлар давомида оилавий ҳаёт сабоқларидан, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, соғлом фарзандлар дунёга келтириб, уларни комил инсон қилиб тарбиялашга йўналтирилган ўқув-тарбия соатлари амалга оширилмоқда.

Бунда, авваламбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда оила қурадиган йигит ва қизларнинг тафаккурини, онгини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларни ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини олиб боришга интилишини янада кучайтириш, оила муқаддаслиги, мустаҳкамлигини таъминлашга эътиборини қаратиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Қариндош-уруғлар ўртасида ва эрта никоҳ тузиш туғма ва ирсий касалликлар манбаи эканлиги, ногирон ва туғма нуқсонлари бўлган бола туғилишининг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, аҳолини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш, болалар ва ўсмирларни маънан ва жисмоний жиҳатдан бекаму кўст камол топтириш, қизларимиз онгида оналик, йигитларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада яхшилаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, аҳолининг репродуктив саломатлиги ва тиббий маданиятини ошириш борасида ўтказилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар жамиятимиз таянчи бўлган оилада бундан-да соғлом муҳитни яратиш ва жамият барқарорлигини таъминлашда асқотади.

Қолаверса, мустаҳкам оила қуриш йўлида амалга оширилаётган бу ҳаракатлар оила, миллат, жамият саломатлигига эришувимизда, ҳамда фаровон турмуш тарзини олиб боришимизда мустаҳкам замин яратади.

**Нозима АБДУСАЛОМОВА,**
**Учтепа туман ФХДЁ бўлими мудираси**

# МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИБ

***Босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.***

— Нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари Шавкат Абдукаримов. — Ҳозир мамлакатимизда матбуот дўконларининг сони 1136 тани ташкил этади. Чакана савдо тизимида ўтган йиллар давомида 134 турдаги китоб маҳсулотлари савдога чиқарилди.

— Компаниямизнинг обуна каталогига 500 дан ортиқ марказий вақтли матбуот нашрлари, китоблар ҳамда 500 дан ортиқ маҳаллий матбуот нашрлари киритилган.

Тизим ишини янада яхшилаш мақсадида «2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш Дастури» қабул қилинди.

Обуна тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилишни тезкор ташкиллаштириш ва мижозларга қулайлик яратиш мақсадида эса компания шохобчаларидаги терминаллар сони 147 тага етказилди.

**Акбар АЛИЕВ**



# ЯРИМ АСР ЁНМА-ЁН

***Оила жамиятнинг кичик бир бўлаги, унда соғлом маънавий муҳит яратилса, жамият ҳам барқарор бўлади. Оилада ота-оналарнинг фарзандларига ибрат бўла олиши ҳар бир оила мустаҳкамлиги гаровидир. Чунки барча яхши урф-одат, анъаналар оилада таркиб топади. Шу боис йилнинг «Мустаҳкам — оила йили» деб аталиши оилаларга бўлган эътиборни янада кучайтирди.***

«Мустаҳкам — оила йили»га бағишланган тадбирлардан бири Юнусобод туман ҳокимлиги ХҚҚ ташаббуси билан туманнинг «Оқтепа» маҳалласида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Нуроний» жамғармаси, Ғ.Ғулом номли маданият ва истироҳат боғи, шаҳар, туман «Маҳалла» жамоат фонди, туман Маънавият тарғибот маркази, Оила маркази вакиллари, Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари ва 28 жуфт турли хил касбларда хизмат қилган, фан-техника, тиббиёт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган ибратли оила соҳиб ва соҳибалари иштирок этдилар. Тадбирда халқаро продюссерлик маркази, шаҳар «Маҳалла» жамоат фонди, Юнусобод тумани ФХДЁ бўлими, 2-сонли «Шодлик» никоҳ уйи, «Оталар чойхонаси» ҳомийлигида маҳалла ҳудудида 50 ва ундан ортиқ йиллар умргузаронлик қилиб, қўша қариган оилаларга совға-саломлар топширилди. 274-мактаб жажжи кичкинтойларининг «Мустаҳкам — оила йили»га бағишлаб тайёрлаган «Мустаҳкам оила — юрт таянчи» мавзусидаги кўргазмали чиқишлари кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

**Кўргазма**

# ЁШ ФОТОМУСАВВИРЛАР АСАРЛАРИ НАМОЙИШИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида фотография ижодий мактаб-студияси битирувчиларининг 12-ҳисобот кўргазмаси бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизда санъатнинг барча йўналишлари қатори фотография ҳам изчил ривожланмоқда. Ушбу соҳанинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини асраб-авайлаш, тарғиб ва ташвиқ этиш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бермоқда.

Тошкент Фотосуратлар уйидаги ижодий мактаб-студия 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида уни 160 нафардан ортиқ битирувчи тамомлади. Уларнинг аксарияти ҳозир мамлакатимиздаги етакчи газета ва журналлар, интернет нашрларда фаолият кўрсатиш билан бирга «Навқирон Ўзбекистон» фестивали, «TashkentALE» халқаро фотобиенналеси, республика миқёсидаги кўрик-танловлар, ижодий лойиҳаларда совринли ўринларга сазовор бўлмоқда.

Жорий йилда ушбу мактаб-студияни 22 нафар ёш фотомусаввир тамомлади. Кўргазмада улар томонидан арт-портрет, ижтимоий фотография, манзара, натюрморт, репортаж-тасвир сингари кўплаб жанрлар бўйича олинган суратлар намойиш этилмоқда.

– Мактаб-студияда фотографиянинг нозик жиҳатларини ўргандик, – дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Мунаввара Одилбекова. – Бизнинг вазифамиз ҳаётнинг гўзаллигини, бебаҳолигини акс эттириш ва уни томошабинга етказиш эканини англадик.

Кўргазмада намойиш этилаётган икки юзга яқин фотосуратларда жонажон Ватанимизнинг бетакрор манзаралари, истиқлолнинг бебаҳо неъматлари, тинч ва осуда ҳаётимиз, бахтиёр ҳамюртларимиз, умрбоқий анъана ва қадриятларимиз акс эттирилган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Пойтахтимизда Art Week Style.Uz-2012 доирасида Тошкент халқаро фотобиенналеси бўлиб ўтади.***

# ФОТОБИЕННАЛЕ — 2012

Еттинчи Art Week Style.Uz-2012 санъат ҳафталиги 4 октябрдан 9 октябрга қадар ўтказилади. Ушбу ёрқин санъат лойиҳаси турфа хил тадбирларга бой дастурлари билан ҳам аҳамиятли бўлади.

Лойиҳа доирасида ўтказиладиган Тошкент халқаро фотобиенналеси — 2012 энг ёрқин ва бетакрор тадбирлардан бири бўлади. Бундан, ташқари «Theatre.Uz» халқаро театр фестивали, «Олтин гепард» Тошкент халқаро кинофоруми, кўргазмалар, ёш дизайнерларнинг модалар намойиши, хайрия концертлари, ижтимоий акциялар, маҳорат дарслари, анжуманлар ва бошқа кўплаб ранг-баранг тадбирлар санъат ҳафталигининг янада кўтаринкиликда ўтишига хизмат қилади.

Ҳар йили санъат ҳафталиги доирасида дунёнинг турли мамлакатларидан санъат усталарини бир ерда жамловчи йирик халқаро кўргазма лойиҳаси тақдим этилади. Ўтган йилги биенналеда 100 дан ортиқ маҳаллий, 25 та хорижий давлатдан 50 нафар мусаввир 1500 зиёд асарларини намойиш этган эди.

Жорий йилдаги тадбир Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилади. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси турли жанр ва услубларда ижод қилувчи фоторассомларни ҳамда фотография жамиятлари, ташкилотларни 6-Тошкент халқаро фотобиенналесида иштирок этишга таклиф этади.

**Бобомурод ИБРАГИМОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

***Пойтахтимизда Ўзбекистон ёзувчилар ижодий уюшмаси, «ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди ҳамда оммавий ахборот воситаларининг экология йўналишдаги соҳа мутахассислари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.***

# ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Маълумки, мамлакатимизда Мустақиллик йилларида табиат муҳофазасига қаратилган лойиҳалар юзасидан қатор қонун, қарор, фармон ва бошқа кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Уларни ҳаётга татбиқ этишда табиатни асраб-авайлашга қаратилган ишларнинг амалий ижросини таъминлашда, жамиятда экологик маданиятни янада шакллантиришда табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ўрни беқиёс.

Давра суҳбати давомида иштирок этган эл ардоғидаги ёзувчи, олим, шоирлар соҳа истиқболи йўлида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунларнинг экологик маданиятни оширишда нечоғлик аҳамиятли эканлигини қайд этдилар. Бу каби ҳужжатлар республикамиздаги экологик ноқулайликларнинг олдини олишга, қолаверса, табиий бойликларни асраб-авайлашга ундайди. Тадбир иштирокчилари мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси табиатга зарар келтираётган омилларга нисбатан эътиборсиз бўлмаслиги, ана шу саъй-ҳаракатлари билан ён-атрофдагиларга ўрнак бўлгандагина бу борада бирор ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлашди.

– Шахснинг экологик тарбияси умумтаълимнинг таркибий қисми ҳисобланади, унинг асосий мақсади кишида ҳам ижодий, ҳам баркамолликни шакллантиришдан иборатдир, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар ижодий уюшмаси аъзоси, журналист Миркарим Мирсовуров. – Бунда шахс тарбияси, мустақил йўналиш сифатида, ўзининг аниқ бир мақсадига ҳам эга бўлади. Экологик тарбия ва экологик таълимнинг мақсади эса, мактабгача ёшдаги болаларнинг табиатга, ўз ўлкасига муҳаббатини тарбиялаш бўлса, мактаб, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ўқувчисида мулкка оқилона муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотиш, олий ўқув масканлари талабаларида табиий бойликларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳиссини уйғотишдан иборат. Бу борада кўплаб ўқув қўлланмаларнинг ишлаб чиқилаётгани қўлга киритилаётган натижаларнинг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Дарҳақиқат, экологик қонунчиликдан яқиндан хабардор бўлиш, ўз эътиқоди ва касби орқали, айниқса қалбий хоҳиши орқали унинг тамойилларини ҳаётга татбиқ этишга интилиш ҳар бир инсон сиҳат-саломатлигини сақлашнинг, жамият барқарор ривожланишининг гаровидир.

**Садоқат АСЛАНОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига «O'ZULGURJISAVDO» АК тугатиш комиссиясининг 2012 йил 18 июндаги 01-05/162-сонли хатига асосан «O'ZULGURJISAVDO» АКнинг «Термиз тадбиркорлар маркази» МЧЖ устав фондидаги 0,919 фоиз улуши қўйилмоқда:

| Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш | Бошланғич баҳоси (сўмда) |
|---|---|---|
| Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри, Ф.Ходжаев кўчаси, 32-уй | 0,919 % | 7 461 000 |

**Аукцион савдоси 2012 йил 1 август куни соат 15:00дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 31 июль куни соат 18:00.

Юқоридаги улуш 2012 йил 1 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 15 ва 30 август кунлари соат 15:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 15 августдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 13 август куни соат 18:00; 30 августдаги савдолар учун 28 август куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz.

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига такроран Бектемир тумани СИБ томонидан Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчасида жойлашган Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказининг далилий ашёларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. «Ваз-2106» русумли д/р 30J4775 бўлган 1976 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 24.01.2011й, №1-13. Бошланғич баҳоси – 1 964 975 сўм 40 тийин. 2. «Москвич-412» русумли д/р 30I1541 бўлган 1987 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.02.2010й, №1-45. Бошланғич баҳоси – 235 831 сўм 50 тийин.

3. «М 21-УС» русумли д/р 11К2070 бўлган 1963 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.09.2009й, №1-674. Бошланғич баҳоси – 1 857 717 сўм 90 тийин.

**Аукцион савдоси 2012 йил 24 июль куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.**

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 июль куни соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Яккасарой туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги «Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда туман тасарруфидаги мактабларда овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида юридик шахс мақомига эга корхоналар ўртасида мактаб ошхоналарига хизмат кўрсатиш бўйича 2012 — 2013 ўқув йили учун тендер танловлари ўтказилишини маълум қилади.

**ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида **«Очиқ эшиклар куни»** ўтказилишини маълум қилади.

**Бошқарма маъмурияти.**

# ЧЕМПИОНЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

***Футбол бўйича Ўзбекистон XXI миллий чемпионати олий лигаси 12-турининг марказий учрашуви «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлди.***

Мусобақа жадвалида учинчи ўринда бораётган «пахтакор»чилар очколар ҳисобида пешқадамга етиб олиши учун ушбу баҳсда ғалаба қозониши шарт эди. Шу боис Мурод Исмоилов шогирдлари биринчи бўлимда ҳужумкор ўйин кўрсатди. Лекин «Пахтакор»нинг ёш ҳужумчилари мезбонларнинг тажрибали футболчилардан таркиб топган мустаҳкам ҳимоясини ёриб ўтолмади.

Ўйиннинг иккинчи ярмида эса Миржалол Қосимов шогирдлари устунлик қилди. Рақиб ҳимоячиларнинг хатосидан унумли фойдаланган Шавкат Саломов ва словакиялик легионер Ян Козак биттадан тўп киритиб, жамоасига 2:0 ҳисобида ғалаба келтирди. «Бунёдкор» 27 очко билан пешқадамлик мавқеини янада мустаҳкамлади.

Олтин медаль учун курашишни мақсад қилган «Насаф» футболчилари сафарда «Бухоро» жамоасига кичик ҳисобда имкониятни бой берди. Воҳид Шодиев томонидан киритилган ягона гол мусобақа жадвалида сўнгги поғоналардан бирини эгаллаб турган бухороликларга қимматли уч очкони келтирди.

Яна бир кутилмаган натижа Олмаликда қайд этилди. «Олмалиқ» футболчилари ўз мухлислари кўз ўнгида Самарқанднинг «Динамо» жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди ва учинчи ўринга кўтарилиш имкониятини қўлдан чиқарди.

**(ЎзА)**

***Кеча Киевдаги марказий стадионда Европа чемпионатининг Италия ва Испания терма жамоалари ўртасида финал беллашуви бўлиб ўтди.***

**Футбол**

# ИСПАНИЯ — ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

UEFA EURO2012 POLAND-UKRAINE

Ушбу ўйинда ким ғолиб чиқиши тўғрисида фикрлар хилма-хил чиқди. Кўпчилик ҳатто «немис машинаси»ни тўхтатиб қолган италияликлар зафар қучади деган фикрни ҳам билдирди.

Ҳар иккала жамоа майдонга жанговар таркибда тушди. Ўйин бошларида ташаббус испанлар томонида бўлди ва 14-дақиқада Фабрегас оширган тўпни Давид Сильва боши билан дарвозага йўллаб ҳисобни очди. Шундан сўнг италияликлар бир нечта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Биринчи бўлим охирига қадар қарши ҳужум тактикасини қўллаган испанларга яна бир бор омад кулиб боқди. 41-дақиқада марказдан жарима майдонига ёриб кирган Хорде Альба дарвозабон билан яккама-якка чиққани ҳолда иккинчи тўпни киритди — 2:0.

Иккинчи бўлимда испанларнинг майдондаги устунлиги яққол сезилиб турди. Шундай бўлса-да бир неча хавфли вазиятда Испания термаси дарвозабони Икер Касильяс бехато ўйнаб ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди.

Фақат ўйин охирларида Италия терма жамоаси яна икки бор доғда қолди. 85-дақиқада иккинчи бўлимда майдонга тушган Фернандо Торрес учинчи бор италияликлар дарвозасини аниқ нишонга олган бўлса, 88-дақиқада сўнгги тўп киритилиб, ўйин испанларнинг 4:0 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан якунланди.

Дарҳақиқат, ушбу чемпионатда жуда кучли таркибга ва ҳужумкор ўйин тактикасига эга Испания терма жамоасини тўхтатиб қолиш қийин эди ва улар ҳақли равишда ғалабани қўлга киритдилар. Испанларнинг жами 12 та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан атиги битта гол ўтказиб юборганликлари ҳам таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, улар иқтидорли мураббий Висенте дель Боске етакчилигида кейинги ўтказилган учта турнир — жаҳон ва Европа чемпионатларида қаторасига учта ғалаба қозониб, ўзига хос рекордни қўлга киритдилар.

УЕФА президенти Мишель Платини Испания терма жамоаси сардори Икер Касильясга бош совринни топширган онлар ўйлаймизки, ишқибозлар ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**




***Шри-Ланканинг Хиккадува шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати қизғин давом этмоқда.***

**«Осиё чемпионати — 2012»**

# ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ҒОЛИБЛИКНИ КЎЗЛАМОҚДА

Қитъамизнинг 19 мамлакатидан уч юз нафардан зиёд иқтидорли ёш шахматчилар дона сураётган нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини Сарвиноз Қурбонбоева ҳамда ФИДЕ устаси Темур Игонин муносиб ҳимоя қилмоқда.

Халқаро шахмат федерацияси қоидалари асосида ўтказилаётган мусобақанинг 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги беллашувларида мағлубиятсиз дона сураётган уч нафар шахматчи – Темур Игонин, ҳиндистонлик Абхиманю Пураник ва Кумар Жена Ракеш 3,5 тадан очко билан пешқадамлик қилмоқда. Бош совринга асосий даъвогарлардан ҳисобланган шахматчимиз дастлабки тўртта партияда мезбонлар вакили Рат Наяк, хитойлик Жиангнан Жоу ва эронлик Аря Омидини мот қилди, вьетнамлик Ле Нгуен Хои билан дуранг ўйнади.

18 ёшгача бўлган қизлар мусобақасида қатнашаётган мамлакатимизнинг кўпкарра чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева дастлабки икки учрашувда кутилмаганда рақибаларига ютқазиб қўйди. Лекин кейинги турларда малайзиялик Сарика Субраманян ҳамда вьетнамлик Ти Ван Доан устидан зафар қучган яна пешқадамлар сафига қўшилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

***Ёз фасли ўзининг сархил мева ва сабзавотларга бойлиги, ҳар қачонгидан сахий ва иссиқ офтоби билан бошқа фасллардан ажралиб туради. Аммо бу фаслда, аҳоли, айниқса ёш болалар ўртасида юқумли ичак касалликлари ва офтоб уриши оқибатида келиб чиқадиган асоратлар кўп учрайди.***

# ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ёзда ҳаво ҳарорати юқори бўлган муҳитда ачиш-бижғиш жараёнлари тезлашиб, турли микроорганизмлар фаоллашади ва организмдаги паразитларнинг урчиши ва кўпайиши учун қулай шароит туғилади. Бундан ташқари, ёз ойларида бозордан сотиб олинган боғдорчилик ва полиз маҳсулотлари ёки уй шароитида музлаткичдан ташқарида сақланган мева ва сабзавотларнинг сифати ҳар доим ҳам талаб даражасида бўлмайди. Сабаби, юқори даражадаги иссиқда маҳсулотлар тез айнийда. Ачиш жараёни бошланган мева ва сабзавотлар, полиз экинларини, билиб-билмай истеъмол қилишимиз оқибатида ачитувчи бактериялар ичакларга тушади. Натижада овқат ҳазм қилиш тизимида айрим салбий ўзгаришлар, жумладан, қорин дам бўлиши, ошқозон-ичак соҳасида оғриқ бошланиши, ич кетиши, ичакдан қон аралаш шилимшиқ ажралиши кузатилади. Одам ҳолсизланиб, тана ҳарорати кўтарилади. Касалликка айрим омиллар – кўча-кўйда кир қўл билан овқатланиш, бозорларда ювилмаган ҳўл меваларни татиб кўриш, айниган, сифатсиз овқатларни тановул қилиш ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, уй жониворларини асраганда ҳам уларни сақлаш ветеринария талабларига риоя қилиш, ит, мушук, қўй, сигир ва бошқаларни тез-тез ювинтириб ва дезинфекциялаб туриш, юқумли хасталикларга қарши эмлатиш тавсия этилади. Чунки бундай жониворлар турли паразитлар манбаи бўлиши, уларни силаш ёки озиқлантириш жараёнидаги эътиборсизлик инсон танасига ҳам турли хил гельминт ва паразитлар ўрнашиб олишига сабаб бўлади. Баъзан касалликлар бемор билан мулоқотда бўлганда, очиқ сув ҳавзаларида чўмилган пайтда ҳам юқиши кузатилади.

– Юқумли ичак касалликлари лаборатория шароитида микроорганизмлар қўзғатувчисининг турига қараб аниқланади, – дейди Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 48-оилавий поликлиника терапевти Дилбар Тожиева. – Юқумли ичак хасталикларига ичбуруғ, бруцеллёз, сальмонеллёз, ичтерлама, қорин тифи ва бошқалар киради. Ушбу касалликларининг ёз ойларида кўпроқ учрашига фуқароларнинг гигиена талабларига риоя қилмаслиги сабаб бўлади. Ҳозирги вақтда врач қабулига юқумли ичак инфекцияси билан касалланган беморлар тез-тез мурожаат қилишмоқда. Улар орасида аксарияти ёш болалар эканлиги афсусланарли. Ота-оналар ўз фарзандларининг тоза-озодалиги, сифатли ва тоза маҳсулотлар истеъмол қилиши ҳамда иссиқда офтоб остида кўп ўйнамаслигига алоҳида эътибор қаратиши, сувни қайнатиб, тиндириб ичишларини назорат қилиб бориши зарур. Чақалоқларни сунъий сут ва озуқалар бериб боқувчи оналар овқат идишини албатта ҳар сафар қайнатиши, унда касаллик қўзғатувчилари ва бактериялар ривожланишига йўл қўймаслиги лозим. Ёз фаслида соғлиғимиз учун ҳар қачонгидан ҳам эътиборлироқ бўлишимиз, санитария гигиена қоидаларига риоя этишимиз, мева-сабзавотлар, айниқса кўкатларни яхшилаб ювиб истеъмол қилишимиз талаб этилади.

Касалликлар профилактикасига эътибор қилмаслик хавфли асоратларга олиб келиши мумкин.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

# ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Кутмаганинг қаршингдан чиқади.**

* * *

**Бўлинса хаёл,**
**Қайтиши маҳол.**

* * *

**Орзу-ҳавас қанча кейинга сурилса, шунча яхши.**

* * *

**Баъзилар битиб турган ишни бузади.**

* * *

**Ўзингдан колма,**
**Бировга солма.**

* * *

**Фойдали фикр хаёлингга дарҳол келиб қўя қолмайди.**

* * *

**Гулни севган уни ҳаммадан, ҳатто ўзидан ҳам қизғонади.**

* * *

**Одамларга аралашмасанг, оламдан бехабар қоласан.**

* * *

**Донода даъво бўлмас.**

* * *

**Ким ўзини қийнаб яшайди, ким ўзгани.**

* * *

**Ҳожатбарорнинг ҳурмати то иш битгунча.**

* * *

**Бировни фикридан қайтариш қийин.**

* * *

**Ўзига ишонган шубҳага йўл бермайди.**
**Ўзига ишонмаган шубҳадан қутулмайди.**

* * *

**Борнинг қадрига етмай, йўқни орзу қиладилар.**

* * *

**Ҳамма нарсани тушундим дегани аслида ҳеч нарсани тушунмагани бўлади.**

* * *

**Нодонда ҳеч қачон бағрикенглик бўлмайди.**

* * *

**Яхши мард бўлади, ёмон номард.**

* * *

**Хотиннинг таъқиби – эркингнинг рақиби.**

* * *

**Қўрқоқ шаллақилик билан енгмоқчи бўлади.**

* * *

**Хотин ё дўст бўлади, ё душман: дўст бўлса ундан ўтари, душман бўлса ундан баттари бўлмайди.**

* * *

**Умид яхши нарса-да: кишига таскин бағишлаб, яшашга, ишлашга ундайди.**

* * *

**Эркак – ақл тимсоли, аёл – кўнгил.**

* * *

**Бадбахт кимса фақат ачинишга лойиқ.**

* * *

**Чиройли юз гўзалликнинг бир қирраси холос.**

**(Давоми бор)**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

**Турфа олам**

# ТАНАМИЗДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР

***Инсон танасидаги микроскоп воситаси билангина кўринадиган майда томирларнинг узунлиги (тахминан) 60 000 км дир.***

Инсон танаси бир кунда (тахминан) 260-400 миллиардча қон ҳужайралари ишлаб чиқаради.

Юрагимиз ҳаётимиз давомида 227 миллион литр қон ҳайдайди.

Бурундаги «nasal epitelyum» деб аталган зар воситаси орқали турли ҳидларни сезасиз. Бу зарда 50 миллионга яқин асаб (нерв) ҳужайралари бордир.

Кўз атрофида олтита мускул бўлиб, улар кўзнинг ўнгга, чапга, юқорига ва пастга ҳамда бошқа ҳаракатлар қилишига ёрдам беради.

Қондаги ҳужайралар танадаги қон миқдорининг ярмини ташкил қилишига қарамай, ён-ёнига тизилсалар 96 500 км лик чизиқни ҳосил қиладилар. Бу – ер юзининг сиртини икки марта айланиб чиқиш демакдир.

Инсон ҳужайрасида 3 500 дан ортиқ ферментлар бўлиб, буларнинг бир нечасининг кам бўлиши ҳужайра ичидаги фаолиятнинг бузилишига олиб келади. Бунинг оқибатида ҳужайралар парчаланади, яъни ўлади.

Инсон танасидаги томирлар жами 10 000 км дан кўпдир. Бир инсондаги томирларнинг учларини бирлаштирилса Ер юзини икки ярим марта айланиб чиқа оладиган даражада узун бўлади.

Агар ДНК даги маълумотларни бирон қоғозга туширмоқчи бўлсангиз, ҳар бири (тахминан) 500 саҳифалик 900 жилд китобдан иборат каттагина кутубхона пайдо бўларди.

Биз бир кунда (тахминан) 23 040 марта нафас оламиз.

**Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 июлда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **3 июль** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 741
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5102 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5